



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ ФАРМОЙИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 апрелдаги “Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 218-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 апрелдаги 218-сон қарори (кейинги ўринларда қарор) ижросини таъминлаш мақсадида,

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 апрелдаги “Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 218-сон қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Вазирнинг биринчи ўринбосари в.в.б. (Қ.Бекбаулиев), бош юрисконсулт (М.Хўжаниёзов), Ижро интизومي ва мурожаатлар билан ишлаш бўлими мудирини (М.Есбосинов) ва ахборот коммуникация технологиясини жорий этиш ва ривожлантириш бўлими бошлиғини (Р.Худайбергенов) маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказиш ягона электрон “Е-қарор” тизимидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши тартибига қатъий риоя қилсин.
3. Масъул ижрочилар мазкур электрон тизим орқали маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, уларга такрорланмайдиган махсус рақам бериш ва автоматик тарзда эълон қилиш жараёнини бошқариш ва назорат қилиш, шу жумладан, зарурат туғилганда манфаатдор идоралар томонидан лойиҳаларга электрон кўринишдаги виза қуйишни таъминласин.
4. Ушбу талабларга қатъий риоя қилиниши бўйича шахсий жавобгарлик вазирўринбосарлари ва хужжат лойиҳаларини тайёрлаган масъул ижрочилар зиммасига юклансин.

5. “E-qaror” электрон тизимини юритиш учун Ижро интизومي ва мурожаатлар билан ишлаш бўлими мудири **М.Есбосинов** масъул этиб белгилансин.

6. Ушбу фармойиш ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



Р.Реимов

Нукус шаҳри,
2021 йил “21” июн
155 -сонли